

## ГЕНЕРАЛ ШОГИРДЛАРИ ҲУЗУРИДА

Истеъфодаги генерал-майор Ҳабибулло Ҳожиматовни катта авлод вакиллари яхши билишади. Марғилон шаҳрида туғилиб ўсган генерал турли йилларда Ички ишлар вазирлиги тизимида раҳбарлик лавозимида ишлаган. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи ўринbosарлигидан пенсияга чиққан. Айни пайтдм ҳам қизғин иш жараёнида. ИИВ фахрийлар кенгаси раиси ўринbosари вазифасида ишлаб келяпти. Генерал-майор Ҳабибулло Ҳожиматов Ёзёвон тумани ички ишлари бўлимида бўлиб, соҳа фахрийлари, шогирдлари бўлган ходимлар билан учрашди. Учрашув давомида таҳликали йиллардаги хизмати ҳақида ҳикоя қилиб берди. Фахрийлардан Муҳаммадрасул Кимсанбоевга туғилган куни муносабати билан совға, Эгамберди Исмоиловга ИИВ фахрийси кўкрак нишони топширилди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-03-02 08:35:33